

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 29 439,4 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 99,7 фоизни ташкил қилди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 110,7 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 7 542,7 минг сўмни ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97,8 фоизни ташкил этди.


### Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	январь-сентябрь ойларида		Ўсиш суръати, % да
	2019 йил	2020 йил	

I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	26 671,5	29 439,4	99,7
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 894,2	28 847,4	99,7
Маҳсулотларга соғ соликлар	777,3	592,0	99,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 894,2	28 847,4	99,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	12 132,5	13 378,3	100,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5 419,5	6 022,0	98,1
Саноат	3 840,1	4 148,3	94,7
Қурилиш	1 579,4	1 873,7	106,4
Хизматлар	8 342,2	9 447,1	99,5
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 782,2	1 998,9	100,2
Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1 714,6	1 864,7	99,8
Бошқа хизматлар	4 845,4	5 583,5	99,1

Жорий йилнинг январь-сентябр ойларида ЯҲМнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 99,7 фоизни ташкил қилишига ялпи қўшилган қиймат ҳиссасида саноат тармоғининг ўсиш суръати 94,7 фоизни, (ЯҲМ таркибидағи улуси 14,1 %), хизматлар 99,5 фоизни (32,1 %) шундан ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 99,8 фоизни (6,3 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 99,1 фоизни (20,0 %) ни ташкил этди.

### **2020 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




### ***Иқтисодий фаолият турлари***

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 98,0 фоизни, маҳсулотларга соғ солиқлар эса 2,0 фоизни ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,5 бандга камайиб ҳисобот даврида 46,4 фоизни, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши ўзгармаган ҳолда 20,9 фоизни, хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 0,5 бандга ошиб 32,7 фоизни ташкил қилди.

### **Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (фоизда)**

**2019 йил январь-сентябрь**



**2020 йил январь-сентябрь**




- Махсулотларга соғ солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 75,4 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келади ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 0,4 бандга камайган.

**ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши**  
**(январь-сентябрь ойлари, жасига нисбатан %да)**



**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ нинг дефлятор индекси бўйича ўсиш суръатлари, % да**



*Иқтисодий фаолият турлари*